

Ушбу пудрат шартномаси «**Буюртмачи**» деб аталувчи Андижон вилояти Олтинкул туман Халк таълими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи рахбари Д.Ахмедов бир томондан ва «**Пудратчи**» деб аталувчи «**Андижон замин куркам**»МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи рахбари И.Мадиев иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофик тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «**Пудратчи**» мазкур шартнома шартларига мувофик «**Буюртмачи**»нинг Олтинкул туман халк таълими бўлими тасарруфидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим булган ишлар «**Буюртмачи**» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати (барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда) га асосан жорий нархларда 96 500 000(Туксон олти миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, факатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Газначилик бўлимида руйхатга олингандан сўнг 10 банк иш кунида «**Буюртмачи**» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизи яъни 28 950 000 (Йигирма саккиз миллион туккиз юз эллик минг) сўмни, олдиндан аванс тариқасида «**Пудратчи**»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун туловларнинг қолган 70 фоизи, яъни 67 550 000 (Олтиш етти миллион беш юз эллик минг) сўмини «**Пудратчи**» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 15 банк иш кунида ўтказиб беради.

2.5. «**Буюртмачи**» охириги туловни «**Пудратчи**» томонидан иш тулик бажариб топширилиб, қабул қилиш - топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 15 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун туловлар «**Буюртмачи**» томонидан пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.

2.7. Шартнома бўйича бажариладиган ишлар муддати аванс тулов пудратчи ҳисоб рақамига қилиб тушган кундан бошлаб 30 кунни ташкил қилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУКУ К ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «**Пудратчи**» мажбуриятлари Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «**Буюртмачи**»нинг далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари билан бажариш ҳамда «**Буюртмачи**» га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади.

3.2. «Пудратчи»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ туланишини ва ишни бажариб топширгандан сунг тула ҳажмда ҳисоб китоб килинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари

Тасдиқданган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тугриланиши ҳаражатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тулайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 % миқдорида пеня тулайди. Туланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқданган нуксон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» туловлар тухтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «Пудратчи» жарима тулайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ туланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тулов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тулайди. Туланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган туловларнинг 50 %и миқдоридан ортмаслиги керак.

4.5. Туланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкун бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, худудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жihatдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

«Андижон замин куркам қурилиш»
маъсулияти чекланган жамияти
Андижон шаҳар тутзор кучаси 22-уй
Х/Р: 2020 8000 2049 1543 1001
ХАБ «Трастбанк» Андижон филиали
МФО: 01074 СТИР: 301 998 799
СКОПХ: 61 133




Рахбари

И. Мадиев

«БУЮРТМАЧИ»

Ол. Туман Халқ таълими
Ол. Туман Маркази
Х/Р: 1000 228 600 320 2 709 21000 78054
ИНН: 200254518
Ўзб. Респуб. Молия вазирлиги таъин
Ғу. хис. 23102 000 300100001 010
Банк: Марк Банк Тош. шаҳар
ББ ХККМ МФО: 00014



Рахбари:

Юрист хулосаси: Шартнома Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ тузилган деб ҳисоблайман.

Юрист:

(имзо)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№ JC43162525

1. Loyihaning turi: Shartnoma

2. Loyihaning nomi: “жорий таъмирлаш ишларини бажарish to'g'risida”

Олтинкўл туман Халк таълими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи рахбари Д.Ахмедов ва «*Пудратчи*» деб аталувчи «**Андижон замин куркам**»МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб боровчи рахбари И.Мадиев келишув асосида Олтинкул туман халк таълими бўлими тасарруфидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби биносини жорий таъмирлаш ишларини бажариб берish to'g'risida shartnoma loyihasi kiritilgan.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Oltinko'1 tuman Xalq ta'limi bo'limi: 03.10.2022 yil

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Oltinko'1 tuman Yuridik xizmat
ko'rsatish markazi boshlig'i



Sh.Ro'ziyev
06.10.2022 yil.